

Ш. Ф.Мустафаева

CAMU (Central Asian Medical University) психолог-ўқитувчи,
психология фанлари номзоди (Phd)

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА АДДИКТИВ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ПСИХОПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Аннотация: в данной статье рассматривается проблема аддиктивного поведения среди несовершеннолетних, проанализированы наркотические, алкогольные, никотинозависимые виды проявления аддиктивного поведения. Даны психопрофилактические меры для родителей и социальных педагогов по предупреждению зависимого поведения.

Ключевые слова: наркотик, алкоголизм, токсикомания, эйфория, аддикция, профилактика, девиантное поведение.

Сўнгги ўн йилликда ичкилиkbозлилар ўсмиirlar орасида янада кенг тарқалмоқда, улар спиртли ичимликларни ўйин-кулгунинг ажralмас қисми, ичкилиkbозлиknинг ўзини эса – мардлик ва мустақиллик намойиши сифатида қабул қилмоқдалар. Ичкилиkbозлилар девиант хулқ-атвортага эга ўсмиirlar ва вояга етмаган хукуқбузарлар орасида анчагина кенг тарқалган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўсмиirlar гурухи қанчалик хукуқбузарликка мойил бўлса, унда ичкилиkbозлил шунчалик фаол авж олади.

Ичишни бошлаётган ўсмир учун мотив асосан тақлид қилишдан иборат бўлади, яъни ўсмир ичкилик туфайли юзага келадиган эйфория ва руҳий комфорт учун эмас, балки кўпроқ қизиқувчанликдан ичади. Бунда мустақиллик, ўз шахсини намоён қилишга интилиш ҳам кам бўлмаган аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда ўсмиirlar орасида ичкилиkbозлил қаршилик кўрсатиш ва эркинликка интилишни намоён қилишга хизмат қиласди.

Ўсмиirlar учун мастиликнинг ўзига хос шакллари характерли саналади: биринчидан, эйфория ва хотиржамликнинг ўрнига жаҳлдорлик, агрессивлик, унинг кетидан келадиган хукуқбузарлик хатти-харакатлари ва ҳаттоки суицидал хулқ-атворт; иккинчидан, харакатчан бўшашганлик билан бирга тўсатдан кутилмаган, импульсив хулқ-атворт; учинчидан, ҳаттоки катта бўлмаган дозадаги алкогол қабул қилганда ҳам ўзни билмай қолиши даражасигача етадиган чукур караҳтлик.

Ичкилиkbозлиkkка ружу қўйиш жараёнида ўсмиirlar шундай ҳам қатъий бўлмаган ўқишига бўлган қизиқишини тез юқотадилар. Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш кетидан одатда сабабсиз дарс қолдириш, уйдан кетиш, саёклик, хукуқбузарлик кабилар кузатилади.

Ўсмиirlарда ичкилиkbозлил ва алкоголизмнинг шаклланишига шароит яратадиган ижтимоий омиллар:

- халқнинг кундалик турмуши;
- ўсмиirlнинг ижтимоий мавқеи (оилавий шароит, моддий таъминот, турмуш тарзи);
- этник ва диний мансублик;
- яқин атрофдагилар таъсири (оила, дўстлар, ўтиришлар).

Баъзи маълумотларга караганда, болалар ва ўсмиirlарнинг спиртли ичимликларга ўрганиши ҳолатиларининг 75%и оилада, ота-оналар ва яқин қариндошлар таъсирида содир бўлади. Агар оилада ўсмирга ичишга рухсат берилган бўлса, алкоголизм унда болалар билан алкогол ичишга йўл қўйилмайдиган жойдагилардан кўра тахминан 9 марта кўпроқ ривожланади.

Психологик омилларга, куйидаги хусусиятлар тегишли бўлган шахсий хусусиятлар киради:

- кайфиятдаги кескин иккиланишлар;
- қизиқишиларнинг бекарорлиги;
- таъсиранчалик;
- ўз руҳий ҳолати тўғрисида ўта кўп ўйлаш, уни таҳлил қилишга мойиллик;

- ортиқча үзига ишонч;
- үз имкониятларини юқори баҳолаш;
- бир вактда бир-бираға тескари руҳий сифатларнинг намоён бўлиши (үзига ишонч ва тез хафа бўлиш, сурбетлик ва уятчанлик, мулойимлик ва қаҳри қаттиқлик ва х.к.).

Биологик (туғма ва орттирилган) омилларга қуидагилар киради:

- моддалар алмашинуви жараёнининг бузилиши;
- эндокрин тизимидағи бузилишлар;
- марказий асаб тизимининг юқори бўлимларининг тўлақонли эмаслиги;
- характер патологияси;
- баъзи руҳий касалликлар.

Тадқиқотчилар томонидан ичувчи ота-оналар оиласида туғилган болалар соғлом ота-оналарнинг болаларидан кўра алкогализмга тезроқ чалиниши ҳақида гувоҳлик берувчи катта ҳажмдаги далиллардан иборат материал тўпланган. Аммо алкогализм – наслий касаллик эканлигини асослаш учун етарлича далил йўқ.

Аслида алкогализмнинг ўзи эмас, шахснинг ривожланишига имкон яратадиган характер ва биологик хусусиятлар наслдан ўтади.

Ўсмири гиёхванд моддалар истеъмол қилиб бошлаганини қандай билиш мумкин?

Гиёхвандлик ва токсикомания — бу сурункали касалликлар бўлиб, уларнинг сабаби одамда алоҳида ўзгарган ҳолат – наркотик мастиликни чақиравчи турли моддалар истеъмол қилишдир. Организмда маст қилувчи моддалар бўлишига руҳий ва жисмоний қарамлиcodамда жуда тез юзага келади.

Гиёхванд ва токсик моддаларни биринчи марта истеъмол қилгандаёқ унда руҳий қарамлик, яъни ушбу ўзгача ҳолатни яна ва яна ҳис қилишга азобли тарзда интилиш юзага келади, ўша препарат, гиёхванд моддани яна қабул қилиш, ўша ҳиссиётни яна туйиш ҳақидаги фикр ҳадеб миядда айланаверади.

Агар гиёхванд, токсик моддалар истеъмоли давом эттирилса, тезлик билан ушбу моддаларга жисмоний қарамлик юзага келади. Бу гиёхванд моддаларнинг доимий қабул қилиниши таъсиридабутун организмнинг шунга қараб ўзгариши оқибатида содир бўлади. Гиёхванд модда таъсири тугаши билан оғир ҳолат бошланади, уни гиёхвандликка ружу қўйганлар “ломка”, тиббиёт ходимлари эса – абстиненция ёки “бош тортиш синдроми”, деб атайди. Бу даврда одам ўта оғир жисмоний ва руҳий қийноқни бошдан кечиради.

Гиёхванд ўзи истеъмол қилаётган модданинг қулига айланади, шу туфайли тиббиётда “қарамлик” атамаси бекорга ишлатилмайди.

Ўсмири қандай қилиб гиёхванд, токсикоманга айланади?

У ёки бу моддани татиб кўришга қарор қилади. Бунга сабаблардан бири – нотаниш ҳиссиётни ҳис қилишга қизиқиши, маълум гурухга қабул қилиниш истаги. Кўпинча ҳаётдан қониқмаслик, “чегарадан чиқиши” истаги ўсмирни гиёхвандликка олиб боради.

Одатда токсик ёки гиёхванд моддани татиб кўришни ушбу “тиёх”ни қабул қиладиган одамлар таклиф этади, улар шунингдек, уни қабул қилиш усулини, препаратларни қабул қилишда ўзини қандай тутишни ҳам ўргатишади.

Кўпинча одамлар ўзлари учун болалари гиёхванд ёки токсик моддалар қабул қилаётганини жуда кеч ва кутилмаганда билиб қолишади; аслида эса ўзгаришларни аввало унинг хулқи олдинроқ ҳам кўриш мумкин. Бола камгап бўлиб қолади, ота-онасидан қочади, телефонда қандайдир сирли сўзлашувлар олиб боради; эски дўстлари ва машғулотлари, шунингдек мактаб унга энди қизиқ эмас. Унинг кийимлари пала-партиш, чўнтағида ва сумкасидаги нарсалар орасида шиша банкалар, пакет, шприц, нина, таблеткаларни учратиш мумкин. Ўсмирнинг пул харажатлари кўпаяди, уйдан тез-тез нарсалар юқолади.

Боланинг узоқ вақт давомида уйда бўлмаслиги ота-оналарни хушёр торттириши керак. У уйга ноодатий ҳолатда келиши мумкин, ахир бу ҳолат – гиёхванд моддадан мастилик – гиёхванд моддалар қабул қилиш мақсадику. Ҳаммасидан ҳам гиёхванд моддадан мастиликни ўсмир уйдан ташқарида ёки ота-онаси йўқлигига ҳис қилади, аммо ушбу ҳолатнинг бошқа белгиларини гиёхванд моддани қабул қилгандан бир неча соат ўтгач кузатиш мумкин. Ота-оналар ўсмирда

ноодатий асабий ҳолат ёки ғазабланишни пайқашлари мумкин. Бола ланж ва уйқусираган, ҳаёли паришон, үзини ташлаб қўйган бўлиши, мудраб туриши мумкин. Яна бўлса, ноодатий тарзда вақтичоғ, бесабаб қувноқ бўлиши мумкин. Уйга бу ҳолатда қайтиб очкўзлик билан очлик ва чанқоғини қондиради. Эътибор қилинг, бу сизнинг болангизга ҳам хос эмасми, унинг доим ҳам иштаҳаси юқорими. Ўсмир қандай ҳаракатланишига эътибор қаратинг. Балки, сиз қўпол, кескин бесўнақай ҳаракатларни, юришда ўзига ишончсизликни пайқарсиз.

Боланинг ташқи кўринига эътибор қаратинг. Унинг кўзларига қаранг – унда ғайриоддий учкун йўқми? Гиёхванд ва токсик моддалар қабул қилгандан сўнг кўз қорачиқлари ёки ноодатий тор, ёки бўлмаса жуда кенгайиб кетади (сиз уни худди шу хонада бир хил ёритилган жойдаги бошқа одамнинг қорачиқлари билан солиштиришингиз мумкин), кўзнинг оқ пардаси қизарган, қовоқлар шишиган бўлиши мумкин. Терининг оқарганлиги ёки ноодатий қизаришлардан сергак тортишингиз керак. Баъзан тери ёғ қатлами билан қопланган кўринишга киради. Ваниҳоят, болангизнинг қўлларига қаранг: тирсак букилмаларига, билакларда, панжаларнинг орқа томонида инъекция излари бўлиши мумкин. Баъзида эса ўсмирлар инъекция изларини юлиш-тимдалаш билан яширишга ҳаракат қилишади.

Болани, унинг кийимини ҳидлаб кўрилганда ғалати ҳидни пайқаш қийин эмас. Баъзида эса ҳиднинг йўқлиги ҳам ҳушёр торттириши мумкин: бола мастига ўхшайди, спиртли ичимлик ичдим дейди, аммо ундан алкогол ҳиди келмайди.

Ноодатий ҳолатдан эртаси куни бола ўзини қандай ҳис қилаётганлигини текширинг: у секин ҳаракат қиласи, ланж, синиқ кўринади, мушаклари кучсиз ва бўшашганлигини ҳис қилиши мумкин. Мана шу белгилар орқали ота-отаналар бола масти қилувчи моддалар истеъмол қилишни бошлаганлигини шубҳа қилишлари мумкин.

Юқорида гап кетган кўпгина белгиларни фақатгина бошланишида кузатиш мумкин, кейин эса организм сурункали интоксикацияга мослашишни бошлайди ва гиёхванд моддалардан мастиликнинг ташқи белгиларини фақатгина мутахассис аниқлай олиши мумкин.

Агар сиз бирор нарсадан шубҳа қилаётган бўлсангиз, ўсмирга қўпол танбеҳлар билан “ташланиш” ва “қатъий” чоралар кўриш керак эмас. У билан унга ишонч билдирган ҳолда гаплашиб кўринг, ҳар қандай ҳолатда ҳам шундай қилишга ҳаракат қилинг. Уни мутахассис наркологга олиб боринг. Болани врач-нарколог маслаҳати – бу жазо эмас, балки гиёхванд модда истеъмол қилаётган инсонга реал ёрдам бериш имконияти эканлигини тушуниришга уриниб кўринг. Даво курси қанча эрта бошланса – муваффақиятга эришишга умид шунча кўп бўлади.

Ота-оналарга ўмирларда заарли одатларнинг эрта намоён бўлиши бўйича тавсиялар

Ўсмирлик ёшида олдинги тарбиянинг нуқсон ва камчиликлари намоён бўлади. Шу сабабдан, ота-оналарнинг энг муҳим вазифаси – бу бола ҳолатини назорат қилишдир. У қандай ҳолатда уйга келганлигини уйда чиқиб кетаётганидаги вазият билан солиштириш ва бунга эътибор қаратиш лозим. Бу, мисол учун, бола биринчи марта чеккани, алкогол ёки гиёхванд модда қабул қилганини вақтида аниқлашга имкон беради.

Ижтимоий педагог ота-оналарни психоактив моддалар (ПАМ) – алкогол, тамаки, гиёхванд моддалар қабул қилишнинг симптомлари ва бунда бола хулқининг ташқи белгилари билан таништириши мумкин.

Алкогол ичимликлар (пиво, вино, ароқ ва ҳ.к.)

Симптомлари: реакциянинг пасайиши, уйқучанлик, ноаниқ нутқ, шахсининг ўзгариши (бошқача қадриятларнинг пайдо бўлиши).

Ташқи белгилар: бекитилган бутилкалар, бўшашиб туриш, жағлари осилган, ҳаракатларнинг қасдланганлиги, хотиранинг пасайиши.

Тамаки

Симптомлари: жисмоний кучнинг пасайиши, ҳаракатлар мувофиқлигининг ёмонлашуви, тез чарчаб қолиш, кучизланиб бориш, меҳнатга лаёқатлиликнинг пасайиши.

Ташқи белгилар: тамаки (тутуни) ҳиди, тез-тез ва зоқ вақт ҳожатхона, ювениш хонасида ўтириш, чўнтакда гугурт, зажигалка, тамаки олиб юриш, бармоқларнинг сарғайиб қолиши.

Елим ҳидлаш

Симптомлари: агрессивлик, юзнинг хаёл паришон ёки ифодасиз холатда бўлиши.

Ташқи белгилар: маст одамдек кўриниш, елим тубалари, қоғоз ёки полиэтилен пакетлар, дастрўмололиб юриш, уст-бошда елим доғларининг бўлиши.

Марихуана, “тиёх”, папирос

Симптомлари: уйқучилик, фикрлар чалкашлиги, кўз қорачиқлари кенгайган, ҳаракатлар мувофиқлиги йўқ, ширинлик ейишга мойиллик, иштача юқорилиги, аранг илғанадиган галлюцинациялар.

Ташқи белгилар: кўз остидаги қизил шишлар, ёқилган баргдан келадиганга ўхшаш ўткир ҳид, кийим тахлами ва чўнтакларда майда уруғ доналари, папирос қофозининг бўлиши, бармоқ терисининг рангпарлиги.

Кокаин

Симптомлари: юқори артериал босим, оғриқ хиссининг юқолиши, ўзини ўзгалардан устун ҳис қилиш, бекаму-кўстлик ҳисси, юқори фаоллик, чарчоқни ҳис қилмаслик.

Ташқи белгилар: кичик пластик пакетлар ёки алюмин фольгада оқ кристалсимон кукуннинг бўлиши, бурун шиллиқ қавати гиперемияси.

Героин, морфий, кодеин

Симптомлари: талмовсираш, уйқучанлик, укол излари, рангпар кўзлар, кўйлак енгларида қон доғлари, тумов.

Ташқи белгилар: тери орасига инъекция қилиш учун ишлатиладиган игна ёки шприцлар, методан қилинган жгут, чилвир, арқон, камар, шаффоф пакетлар олиб юриш, ичидаги олов ёқилган бутилка қопқоғи ёки қошиқ.

Крэк

Симптомлари: депрессия билан алмашинувчи қисқа вақтли эйфория, бошлангич даврдаги гиперфаоллик, лоқайдлик, тўхтамайдиган тумов.

Ташқи белгилар: шиша идиш ёки полиэтилен қопчалардаги кичик тошсимон парчалар, шамлар, устара олиб юриш.

Симптомларни ўрганиб, ташқи белгиларни кузатиганда заарли одатни эрта босқичда пайқасак, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ПАМ профилактикаси бўйича тадбирлар — маъруза, сухбат, тренинг ва х.к.лар ўтказиш;
- интерактив методлардан фойдаланиш, болалар билан биргаликда ўзимиз ҳам ҳиссий ва хулкий тажрибада буни тадкиқ қилишга тайёр бўлиш;
- мулоқотнинг ахборот қисмидан кўра, ПАМга қарамликданбош тортиш кўнижмаларини шакллантиришга катта эътибор қаратиш;
- заарли одатларнинг салбий кўринишлари билан курашмасдан, бунинг ўрнига унинг бўлмаслигининг ижобий томонларини тарғиб қилиш;
- болаларнинг ПАМга қарамлик профилактикасини параллел тарзда катталар ПАМ қарамлиги профилактикаси билан бирга обориш зарур;
- ПАМ қарамлик профилактикаси катталар қадриятларига эмас, ўсмир қадриятларига асосланган бўлиши керак;
- ўсмирнинг бўш вақтидаги фаолиятини ташкил этиш, бу вақтдаги бандлигини таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Профилактика ишларини ота-оналар ижтимоий педагог, мактаб психологи, наркологлар билан бирга олиб бориши керак.

Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳукуқбузарлиги профилактикаси метод ва шакллари:

Синф раҳбарининг фаолиятида дарс қолдирадиган ўқувчиларга нисбатан муносабатини фаоллаштириш; синф раҳбарининг ўқувчилар билан индивидуал, шунингдек синф соатида сухбатлашиши; ўқувчиларни спорт секциялари, ижодий жамоалар машғулотларига, синфининг ижтимоий ҳаётига фаол жалб қилиш; ушбу ўқувчиларнинг ота-онасини ўз вақтида хабардор қилиб туриш (телефон кўнғироғи, уйига ташриф буюриш орқали); бу каби болалар билан ишлашга ота-оналар қўмитасини жалб қилиш; ижтимоий педагогнинг дарс қолдирувчи ўқувчи билан сухбати; ушбу ўқувчилар билан психолог сухбати; дарс қолдирувчи ўқувчини мактаб маъмурий кенгашига

чақириш; вояга етмаганлар иши бўйича комиссия йиғилишига чақириш; ўқувчини мактаб ўқувчисининг ахлоқ қоидалари билан танишириш; педагогик жамоа ва ота-оналарнинг ушбу қоидаларга амал қилиш талабининг бир хиллиги; ўқувчиларга экспурсия, дискотека, театр ва шу каби жамоат жойларига борганда ўзини тутиш қоидаларини тушунтириш; соғлом турмуш тарзи (мехнат қилиш ва дам олиш тартиби, овқатланиш тартиби, гигиена, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, касалликлар профилактикаси ва ҳ.к.)ни тарғиб қилиш; синф ва мактаб ижтимоий ҳаётида иштирок этишини таъминлаш; мутахассислар: вояга етмаганлар иши бўйича назоратчи, вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг масъул котибини жалб қилган ҳода ота-оналар билан ўсмирларнинг хуқуқбузарлиги учун жавобгарлиги тўғрисидаги маърифий сухбат; ижтимоий педагог ва мутахассислар: вояга етмаганлар иши бўйича назоратчи, вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг масъул котиби иштирокида вояга етмаганларнинг хуқуқбузарлиги учун жавобгарлигига доир мавзуларда синф соати ташкил этиш; мактаб қўриқлаш хизмати имконияти (ўқувчи дарс ёки танаффус пайтида хуқуқбузарлик содир этганда қўриқчига мурожаат қилиш)дан фойдаланиш; ота-оналар кўмитасининг алоҳида оиласлар билан ишини ташкил этиш; ўқувчининг уйига профилактика инспектори билан бирга бориш; мактаб ички ҳисобига қўйиш; ота-оналарни мактабнинг маъмурий кенгашига, кичик педагогик кенгаш, катта педкенгашга, вояга етмаганлар иши бўйича комиссияга таклиф этиш; кузатиш, ишонтириш, талаб қўйиш, рағбатлантириш ва бошқа усуллар.

Зараарли одатлар, гиёхвандлик, токсикомания профилактикаси

Нарколог мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқувчилар ва ота-оналар орасида чекиш, алкогол ва гиёхвандд моддаларнинг зарари тўғрисидаги ташвиқот ишларини олиб бориш (ота-оналар маърузалари, синф соатлари тизими, видеофильм намойиши ва унинг синфда муҳокамаси ва ҳ.к.); ота-оналардан боланинг дарсдан бўш вақтларидағи ҳаёт тарзини назорат қилишини талаб этиш (дўйстлари давраси, соат кечки 10дан сўнг кўчада юришига руҳсат этмаслиги, чўнтағида пули бўлишини ва ундан фойдаланишини назорат қилиш, боланинг уст-бошига эътибор қаратиш ва ҳ.к.); спиртли ичимлик ичганлиги ёки чекиши аниқланган ўқувчилар билан индивидуал сухбат; ушбу ўқувчининг ота-онасини бу ҳақда хабардор қилиш; ўқувчини нарколог қўригидан ўтказиш; ушбу ўқувчи юзасидан ижтимоий-психологик хизматига мурожаат қилиш; мактабнинг тиббий-соғломлаштириш мажмуаси имкониятларидан фойдаланиш; ўқувчини оила ва ўсмирга қўмаклашувчи шаҳар марказига консультацияяга жўнатиш; ушбу муҳокамани ҳал қилишда вояга етмаганлар иши бўйича назоратчи ва вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг масъул котиби имкониятларидан фойдаланиш; соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўқувчининг маданий даражасини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Степанов С. “Законы психологии” Санкт-Петербург 2000й.
2. Сонин В. “Психологический практикум” Москва 1998й.
3. Симатова О. “Профилактика аддиктивного поведения” Лань, 2023й.
4. Шнейдер Л.Б. “Психология девиантного и аддиктивного поведения детей и подростков: учебник и практикум для ВУЗов. Москва 2024й.

1.